

Баҳромжон Закирджанович ДАМИНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
ўқитувчиси

ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ ИЛМ СЎЗИ МАЪНОЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ

ЗНАЧЕНИЕ СЛОВА «ИЛМ» (ЗНАНИЕ) В КОРАНЕ В ПЕРЕВОДЕ НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

MEANING OF THE WORD "ILM" (KNOWLEDGE) IN THE QURAN IN TRANSLATION INTO THE UZBEK LANGUAGE

Аннотация: Юртимизда Қуръони карим маъноларининг бир қанча ўзбек тилидаги тафсир ва таржималари чоп этилган бўлиб, ушбу мақола Қуръони каримда келган «илм» сўзи ўзида мужассам этган маъноларининг таҳлилига бағишланган. Муаллифнинг таржимага оид дақиқ мулоҳазалари илк изланишлардан бири сифатида ўқувчилар эътиборини тортади деб умид қиламиз.

Калит сўзлар: таржима, Қуръони Карим, илм, тафсир, сўз

Аннотация: В нашей стране были изданы ряд переводов и толкований смыслов священного Корана на узбекском языке. Эта статья посвящена сравнительному анализу смыслов перевода воплощенных в слове «илм» (знание). Надеемся что своеобразные детальные рассуждения автора, как одна из первых исследований, привлекут внимание читателя.

Ключевые слова: перевод, Священный Коран, знание, толкования, слово

Annotation: This article is one of the first scientific researches devoted to the word "Ilm" (knowledge) which comes in Quran and its meanings, also its a comparative analysis of variations of this word in translations and

definitions of Quran in Uzbek language published in our country.

Key Words: translation, Holy Quran, knowledge, interpretation, word

КИРИШ

«Илм» сўзи Қуръони каримда кенг маънода аниқроғи, ўзбек тилидаги «билим» сўзи билан қамраб олинган маъноларда ишлатилган. Имом Ғаззолийнинг машҳур «Ихё улумуд-дин» (Дин илмларини жонлантириш) асари таркибидаги Илм китобида ҳам бу сўз айти шундай маънони ифода қилади. [1: 39-41]

АСОСИЙ ҚИСМ

“Бақара сураси 255 – оятида (оят ал- курси) да илмнинг турли даражалари тўғрисида аниқлик киритилади :

(اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَّةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ)

“Аллоҳ - Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша Барҳаёт ва абадий Турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. (Қиёмат куни) Унинг ҳузурида ким ҳам (ғуноҳқорларни) Унинг рухсатисиз шафоат қила оларди?! (У) улардан (одамлардан) олдинги ва кейинги нарсаларни билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар “[2:255]

Оятнинг мазмунидан Аллоҳнинг илми шомил ва комил эканлиги ва у ҳамма нарсани ўзининг чексиз илми билан қамраб олганлиги маълум бўлади. Аллоҳ бандаларининг илми эса чекланган ва номукамал бўлиб уларнинг ҳар бири ўз имкониятларига яраша, Аллоҳ томонидан унга лозим кўрилган даражадаги илмгагина эга бўлишлари мумкин. Америка олими Франк Роузсталнинг “илм тантанаси “китоби ислом дунёсида илм масаласини тадқиқ этишга бағишланган асар бўлиб, унда олим “илм” сўзини Қуръони каримда: “илоҳий билим” ва “инсоний билим” маъноларида ишлатилган [5:45] деб қайд этади. Ф. Роузенстал

мавзуни ёритишга анча ҳаракат қилган, бироқ баъзи ноаниқликларга йўл қўйган жумладан, юқорида тилга олинган тасниф Қуръони карим матнида ифода этилган маънолар тизимини унчалик аниқ акс эттира олмайди. Филологик ёндашувга риоя этилмаган. Яъни Қуръони карим матнида учраган барча ўринлари аниқ маънолари билан етарлича тасниф этилганда эди, бу сўзнинг маъно таркибини тўлиқ тасаввур қилиш имкони туғилган бўлар эди.

Биз ўз тадқиқотимизда айни шу изчил тасниф йўлини танладик ва натижада, аниқланган маънолар тизими ҳам бошқачароқ бўлиб чиқди. Қуръон матнидаги “илм” сўзи маъноларининг тўлиқ таҳлили илк босқичда ундан икки асосий маънони ажратиб кўрсатишни тақозо қилади: биринчиси “мутлак илм” – Аллоҳ Таологагина тегишли бўлган чексиз илм, иккинчиси “нисбий илм”, яъни Аллоҳнинг махлуқотлари: фаришталар ва инсонларга хос бўлган ва уларга насиб этган илм. Бундай тасниф заруратининг биринчи сабаби шуки, матнда Аллоҳга оид ва инсонга оид билимлардан ташқари фаришталарга оид билим ҳақида ҳам гап боради. Маълумки, Бақара сураси 30-38 оятларида Одам атонинг яратилиши ҳақида қисса келади. Шу воқеа муносабати билан Аллоҳ Таоло ва фаришталар орасида савол жавоб бўлиб ўтади. Шунда Аллоҳ Таолонинг иродасига жавобан фаришталар айтадилар “Зоти покинг ҳаққи Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқ. Албатта сен илм ҳикмат эгасидирсан.”

Биз юқорида келтириб ўтганимиз, Америка олимнинг таснифига шунчаки қўшилиб, учинчи “фаришталар илми” деб қўя қолмадик, чунки бу масала анча мураккаброк. Аллоҳ илмининг мутлоқ илм дейилишига сабаб, у биринчидан, барча нарсани қамраб олувчи, ҳад-ҳудудсиз илм, иккинчидан, ҳар қандай манбадан беҳожат, учинчидан, Ўзи барча илмларнинг манбаи, тўртинчидан, ноқисликка айланиш хусусиятига эга эмас. Аллоҳ яратган махлуқотларга жумладан фаришталар ва инсонларга хос илмнинг нисбийлиги шундаки, у биринчидан, ўз-ўзича мавжуд эмас, балки муайян манбага асосланади юқоридаги мисолда бу очиқ айтилган. Бошқа мисоллар ҳам кўп.

Иккинчидан, чекланган ва номукамал. Учунчидан, муайян куч-қувват ва керакли моддий асосларсиз воқеликка айлантириб бўлмайди. Шу сабабларга кўра биз таклиф қилаётган мавзуни аниқроқ тавсифлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаш мумкин.

“Илм” сўзи муқаддас Қуръонда бир қанча маъноларни ифодалаб келгандир. Этиборлиси шуки мазкур сўзнинг бошқа маънони ифода этаётганлигини унинг зоҳирий кўринишидан англаб олишимиз мушкул иш. “Илм” сўзи қайси ўринда ва қайси мавзу ҳақида сўз кетаётганлигига қараб турли ҳил маънони ифодалаб келиши мумкин. Шу сабабли бу сўзни тўғридан-тўғри илм деб таржима қилиб қўйиладиган бўлса оддий ўқувчига жумланинг таржимаси тушунарсизроқ туюлиши мумкин. Шунинг учун биз уламоларнинг бу сўзга берган тафсилларини кўришга ва улар орқали кўзда тутилган маънони тушуниб етишга эҳтиёж сезамиз.

Қуръонни ўзбек тилига таржима қилган олимларимиз Алоуддин Мансур, Абдулазиз Мансур, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, бу сўзнинг ифодаловчи маъноларини ўзбек тилида ифода этилишини баён қилишда анчагина муваффақиятга эришишган. Қуйида илм сўзининг англатиб келган маънолари ҳақида сўз юритсак. Илм сўзи аксарият ўринларда “Илм ва билим” маъноларини англатиб келади, бироқ баъзи ўринларда бошқа маъноларни ифода этиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун унинг Қуръонда англатиб келаётган маъноларини келтириб ўтамиз. Улар:

- **Билим ёки илм**

Бу икки сўз бир бирига синоним бўлиб илм сўзининг зоҳирий ва асл маъноси ҳисобланади. Қуръони Каримдаги илм сўзининг аксарияти ҳам ана шу икки сўз орқали таржима қилинади. Демак, биз юритаётган сўзнинг энг биринчи ва асл маъноси айнан шу сўзлардир. Буларни мисоллар орқали кўрсак:

«فمن حاجك فيه من بعد ما جاءك من العلم....»

(Оли Имрон 61)

“Сизга келган шу (ҳаққоний) билимдан кейин ким сиз билан (Исо) тўғрисида баҳслашмоқчи бўлса”[2:57]

• **“Ваҳий”**

Бақара 145

(... وَلَئِنْ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذًا لَمِنَ الظَّالِمِينَ)

“Бордию, сизга келган илм (ваҳий) дан кейин ҳам уларнинг ҳоҳишларига эргашиб кетсангиз, у ҳолда, албатта, сиз золимлардансиз” [2:22]

Демак илм сўзи баъзи ўринларда, келтириб ўтганимиз каби “ваҳий” маъносини ифода этиб келиши ҳам мумкин.

• **Маълумот**

Бундай маънода истеъмом қилинган “илм” сўзини биз Қуръони Каримнинг бир неча ўринларида учратишимиз мумкин. Бундай оятларнинг бирига қуйидаги оят мисол бўла олади : **Оли Имрон 19**

(إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ ۖ وَمَا اخْتَلَفَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَغْيًا بَيْنَهُمْ ۚ)

“ Албатта Алоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (диниридир). Аҳли китоблар (яхудий ва насронилар)га маълумот (тавҳид ва Муҳаммад тўғрисидаги ваҳий) келганидан кейин ўзаро ҳасад юзасидан ихтилоф қилишга ўтдилар.” [2:52]

• **Ҳужжат**

Ҳужжат маъносини ифодалаб келишини Қуръони Каримнинг бир қанча жойларида учратишимиз мумкин. Бу маъно ифодаланадиган ўринлар асосан бирор бир даъво қилинаётган ўринда ана шу даъволарни илм, яъни ҳужжат билан гапириш ҳақидаги мавзулар ва бошқа шунга ўхшаш мавзулардир. Масалан: **Анъом 148**

(.....) قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا ۖ إِنَّ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَحْرُصُونَ

“...айтинг: сизларда бизларга чиқарадиган (кўрсатадиган) илм (ҳужжат) борми (сизлар) фақат гумонга эргашишмоқдасизлар ва сизлар фақат ёлгон сўзламоқдасизлар” . [2:148]

• **Билувчи**

Илм сўзи баъзи ерларда “билувчи” деган маънони ҳам ифодалаб келиши мумкин. Бу маъно ҳам сўзнинг зоҳирий маъноларидан эмас, балки контекстдан келиб чиқиб шундай таржима қилинади. Масалан:

Аъроф 7

(فَلَنفُصِّلَنَّ عَلَيْهِمُ الْبُيُوتَ الَّتِي ظَلَمُوا وَمَا كُنَّا غَائِبِينَ)

“Уларга албатта (қилмишларини) билган ҳолда сўзлаб берурми. Биз зоиб эмасмиз .” [2:151]

Бу оятда кўринаяптики , -يعلم сўзи “ илм билан “ деб эмас , балки “билган ҳолда”, яъни аниқ даража сифатдоши шаклида таржима қилинган.

• **Аломат, белги**

Илм сўзи бир неча ўринларда “аломат ёки белги” деган маънода ҳам келиши мумкин. Ажабланарлиси шуки, илм сўзининг маъноларини ичида бундай маънони учратмаймиз, бироқ Қуръонда келаётган ва кўзда тутилаётган маъносига қараб уни аломат ёки белги деб таржима қилинган . Масалан:

Зухруф 61

(وَإِنَّهُ لَعِلْمٌ لِلسَّاعَةِ فَلَا تَمْتَرُنَ بِهَا وَاتَّبِعُون ۚ هَٰذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ)

“Албатта (исо) қиёмат учун аломатдир, бас сизлар (қиёмат) ҳақида сира шубҳа қилмангиз. Мана шу тўғри йўлдир”. [2:494]

Оятдаги илм сўзи бу ўринда тўғридан-тўғри илм деб таржима қилиб қўйиладиган бўлса оятдаги кўзда тутилган маъно чиқмай қолиши мумкин, зеро бу ерда Исо алайҳиссаломнинг қиёматдан илгари ерга қайтиб тушишлари ҳақида сўз кетмоқда, шунинг учун ҳам уни бу ўринда ,кўзда тутилаётган маъно, Исо алайҳиссаломнинг қиёмат куни бошланишдан сал илгари у кунга аломат сифатида ерга тушадилар. Бу эса, қиёмат яқинлашаётганлиги ҳақида белги бўлади.

Биз юқорида илм сўзининг исм шаклидаги Қуръонда англантиб келган, бизда маълум жиҳатларини келтириб ўтдик. Яна ҳали бизга номалум бўлган маънолари учрайди, балки биз эътиборсиз ўтиб кетган маънолари ҳам учраши

мумкин, уларни бу китобни нозил қилган Аллоҳнинг ўзи яхши билгувчироқдир .

Энди баҳс юритаётган сўзимизни тескари маъноси, яъни илмсизлик ҳақида озгина сўз юритсак. Бирор сўзнинг тескари маъносини яхши тушунсак, у сўзни тўғри маъносини янада мукамалроқ англай оламиз. Бу араб тилида جهالة сўзи орқали ёки баъзи ерда غير сўзи кўшилиб ифодаланади. Улар баъзида илмсизлик, билмаслик деб таржима қилинса, бошқа баъзи ўринларда жаҳолат дея тажима қилиниши мумкин. Жумладан, Алоуддин Мансур Анъом сурасининг 108- оятини қуйидагича таржима қиладилар:

وَلَا تَسُبُّوا الَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ فَيَسُبُّوا اللَّهَ عَدْوًا بِغَيْرِ عِلْمٍ

”Аллоҳдан ўзга сизинадиган кимсаларнинг (бутларини) сўкмангиз. У ҳолда улар ҳадларидан ошиб, жоҳиллик билан Аллоҳни сўкурлар.....”. [3]

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтган маънолардан намоён бўлиб турибдики, “илм” сўзи кўпгина ўринларда ўзининг луғатда англатган бевосита маъноларидан бошқа маъноларда қўлланилгандир. Демак, уни ҳар доим ҳам сўзма-сўз таржима қилиб кетавериш оятни англашда тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Бунунг учун таржимон Қуръонни таржима қилиш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган илмлардан бохабар бўлмоқлиги лозим. Бундай илмлар туркумига ақида, ҳадис, сийрат, ислом тарихи, фикҳ, усул, луғат, балоғат, мантик ва шу каби кўпгина илмлар киради.

АДАБИЁТЛАР

1. Имом абу хомид Муҳаммад ал-Ғаззолий “ихёу улум-аддийн”(Дин илмларини жонлантириш) 1-китоб .мавороуннахр. 2001
2. «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»- Абдулазиз Мансур. Т. Тошкент Ислон Университети, 2007й.
3. «Қуръони карим»/таржима ва изоҳлари. Алоуддин Мансур Т. Чўлпон б 1992.5446
4. «Тафсири ҳилол» Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. 1-21 том Бишкек 1998, Тошкент 1993
5. Daminov, Bahrom (2019) “The word «ilm» (knowledge) in Holy Quran and comparative

analysis of translation options,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 2 ,Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/5>

6. Daminov, Bakhrom (2019) “ACTUAL PROBLEMS OF MODERN ARABIC LANGUAGE,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/20>
7. Роузунтал Франц. Торжество знания, Концепция знания в средневековом исламе. – Москва: Наука. 1978